# Ушбу сонда:


ТЕЛЕФОНИНГИЗГА ҲУШЁР БЎЛИНГ! 3



Xabar TV 5-6

Сканворд ва ХАНДАЛАР 8



ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz xabar@uzpak.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2005-yil, 11-mart, 10 (651)-son Sotuvda narxi erkin


## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.**

◆ *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда "Фридом Хауз" ноҳукумат ташкилотининг мамлакатимиздаги вакили Мария Северни қабул қилди.*

*Мулоқот чоғида республикамизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, шу жумладан, демократияни янада мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.*

◆ **Матбуотда "Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилинди.**

◆ *Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг тадбиркорлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимизда иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб белгиланган тадбиркорлик соҳасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, бу борадаги камчилик, тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш тўғрисида сўз юритилди.*

◆ **Жаҳон Интернет тармоғида мамлакатимизнинг Интернет ҳамжамияти етакчи мутахассислари иштирокида ўзбек, рус ва инглиз тилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтининг янги версияси очилди.**


uzpak Бизнинг Интернет ҳамкоримиз












«COSCOM» қўшма корхонасида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрамига бағишланган тантанадан лавҳалар.

Сергей НАСЛЕДОВ олган суратлар.

ALOQA KORXONALARIDA

# Имконият уфқлари кенгаймоқда

## ёки "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Навоий филиалида қўлга киритилаётган ижобий натижалар хусусида

**2005 йил** учун матбуот нашрларига обуна мавсуми давом этаётган кунларнинг бирида Нурота тумани почта алоқа тармоғи раҳбари ҳузурида бўлиб ўтган бир суҳбат ёдимда қолган. Ўшанда тумандаги ташкилотлардан бирининг раҳбари алоқа тармоғи бошлиғидан:

— "Солиқчи" газетасига обуна бўлсак, режани бажарган ҳисобланамизми? — дея сўради.

— "Солиқчи" сизнинг вилоятдаги тармоқ газетангиз, албатта уни қўллаб-қувватлашингиз керак, — жавоб берди раҳбар. — Жамоангиз аъзоларининг республика ва вилоятимизда чоп этиладиган бошқа матбуот нашрларига ҳам имкон қадар кўпроқ обуна бўлишларини уюштирсангиз, нур устига аъло нур бўлади...

Навоий шаҳридаги алоқа корхоналаридан бирида ҳам обунага бағишланган сим орқали мулоқотнинг устидан чиққандик. Ўшанда вилоят почта филиалининг тегишли бўлими бошлиғи корхонада 2005 йил учун матбуот нашрларига обунани уюшқоқлик билан ўтказишга эътиборни янада ошириш зарурлигини яна бир бор таъкидлаган эди.

"Ҳаракатда — баракат" деганларидек, натижалар ҳам ёмон бўлмади. Филиалнинг қарийб 500 кишилик аҳил жамоаси жорий йил учун республикамизда ва МДҲ давлатларида чоп этилаётган даврий нашрларга обунани ташкил этиш бўйича вилоятлар ўртасида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Кўзланган мақсадга эришиш эса ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан узвий ҳамкорликда иш олиб борилди. Корхона ва ташкилотлараро мунтазам алоқа ўрнатилди. Вилоятдаги барча алоқа тармоқлари ва бўлимларида обуначилар учун қулай шароитлар яратилди. Иш ҳажмининг ортганлиги муносабати билан вилоят марказида, туман ва шаҳарларда обунага масъул мутахассислар вақт билан ҳисоблашмасдан ҳатто дам олиш кунлари ҳам ишлашларига тўғри келди. Обунани бевосита аҳоли хонадонларида, корхона ва ташкилотларда расмийлаштиришга алоҳида эътибор берилди.

### "Xabar" — ўзимизнинг газета

Навоийлик алоқачилар "Xabar"нинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутишади. Негаки, республика алоқа соҳасининг ютуқлари, муаммолари, алоқачилар ҳаётини тўлақонли ёритиб борувчи мазкур газета ўзларининг иш фаолиятларига ижобий таъсир кўрсатишига улар амалда ишонч ҳосил қилишган. Шу боис кейинги йилларда вилоят почта ходимларининг газетага бир йилга тўлиқ обуна бўлиши одатий тус олди. 2005 йил учун обуна мавсуми ҳам бундан мустасно бўлмади. Филиал жамоаси бу борада республикада пешқадамлар сафидан ўрин эгаллади. Навоий шаҳридаги 1-почта алоқа бўлими газета таҳририяти томонидан обуначилар сонини кўпайтириш мақсадида ушбу йил обунаси учун вилоят почта филиаллари, шаҳар ва туман почта тармоқлари, почта алоқа бўлимлари ўртасида ўтказилган танловда ғолиб деб топилди ва таҳририятнинг қимматбаҳо эсдалик совғасига сазовор бўлди. Ғолиб жамоага мазкур совғани топшириш маросимида қатнашиб, бўлим бошлиғи Зиёда Йўлдошевани суҳбатга тортдик.

— Мутахассислигим бўйича молиячи-иқтисодчиман, — дейди суҳбатдошимиз. — Почтага 1987 йилда шу соҳада ишлаётган танишим Олия Қосимованинг тавсияси билан келганман. Дастлаб шаҳардаги 6-почта алоқа бўлимида оператор бўлиб ишладим. 1993 йилдан бошлаб эса ҳозирги вазифадаман. Хат ташувчиларимиз Нина Шаҳризаева ҳамда Анна Власовалар ҳам кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида етарли тажриба тўплаган ишчилардан. Шу туфайли 2,5 минг нафардан ошиқ аҳоли, жумладан, 600 нафар пенсионерга, корхона, ташкилот ва ўқув юртлари жамоаларига кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. Газета ва журналлар, пенсия ва хат-хабарларни ўз вақтида эгаларига етказиб беряпмиз. Шунингдек, электр энергияси, табиий газ, телефон ва коммунал хизматлар учун тўловларни ҳам қабул қилишга улгуряпмиз.


(Давоми 2-бетда.)

# Имконият уфқлари кенгаймоқда

## ёки “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг Навоий филиалида қўлга киритилаётган ижобий натижалар хусусида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

2005 йил учун 3,5 млн. сўмликдан кўпроқ матбуот нашрларига обуна расмийлаштирдик. Обуначилар сонини имкон қадар кўпайтириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларига катта эътибор қаратдик. Натижада Навоий давлат педагогика институти, Кончилик институти, мактаблар, “Ватанпарвар” ташкилотининг “Автомобил” мактаби, шунингдек, ҳудудимиздаги корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли ўртасида обуначилар сони сезиларли даражада ўсди.

Дастлаб ишга келган давримда соҳа менга бу қадар қадрдон бўлиб қолишини тасаввур ҳам қилмагандим. Йиллар ўтиши билан бу касбнинг ўзига яраша жозибаси борлигини қалбдан ҳис этдим. Ахир, бизнинг хизматимиз одамларга шодлик ва қувонч, яхши кайфият, маънавият ва маърифат улашиш билан боғлиқ эмасми? Шу сабабдан ҳам ишга ҳар куни кўтаринки руҳда, яхши кайфиятда келамиз. Бундан ташқари, бўлимимиздаги иш шароитлари тобора яхшиланиб, моддий-техника базамиз мустаҳкамланиб бормоқда. Ойлик иш ҳақлари ўз вақтида бериб борилялти. Байрамларда мукофот пуллари билан тақдирланяпмиз. Шунингдек, филиал маъмурияти ва касаба



уюшмаси қўмитаси томонидан фарзандларимиз учун ҳам Янги йил, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сингари саналарда турли тадбирлар уюштирилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Биз эришилаётган натижалар билан чекланиб қолмасдан, уларни ойдан-ойга, йилдан-йилга янада юксалтириб боришни ният қилганмиз.

### Чўл ҳудудларига алоҳида эътибор

Навоий вилоятининг ҳудуд жиҳатдан республикамизнинг энг йирик вилояти эканлиги ва унинг асосий қисми Қизилқум саҳросида жойлашганлиги почта ходимлари зиммасига қўшимча масъулият юклайди. Бир қанча қоракўлчилик ширкат хўжаликлари, қишлоқ ва овулларнинг нафақат вилоят маркази, балки, Конимех, Томди ва Учқудуқ туманлари марказларидан ҳам юзлаб километр узоқликда тарқоқ жойлашганлиги, об-ҳавонинг кескин ўзгарувчанлиги почтани ташишда қўшимча қийинчиликлар туғдириши табиий. Лекин “Излаган имконият топади” деганларидек, филиал раҳбарияти ва ушбу туманлардаги почта тармоқлари ишчи-хизматчилари ўз зиммаларидаги вазифаларни шараф билан уддалашяпти. Бунда филиал томонидан кейинги пайтда олинган “Дамас” автомашиналаридан самарали фойдаланилмоқда. Шу йилнинг бошида “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан филиалга яна бир шундай транспорт воситасининг ажратилганлиги олис чўл ҳудудларида почта хизматини янада яхшилашда ёрдам бермоқда. Даврий нашрлар, хат-хабар ва пенсиялар чўлнинг энг ичкарисидаги хонадонларга ҳам нисбатан жуда қисқа муддатларда етказилмоқда.

Почта хизмати ходимларининг меҳнатлари эса эл-юрт назаридан четда қолмаяпти. Филиалнинг Томди почта алоқа тармоғи бошлиғи Аҳмед Абдумуратовнинг яқинда бўлиб ўтган сайловларда туман Кенгаши депутатлигига сайланганлиги ҳам шундан далолат беради.

### Рақамлар сўзлаганда

Ўз фаолиятида бозор қонуниятлари ва талабларини инобатга олган ҳолда оқилона иш юритиш ҳар бир корхона ва ташкилот олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Филиал маъмурияти ва барча ишчи-хизматчилар буни теран англаб етаётганлиги туфайли бажарилаётган ишлар, хизматлар ҳажми тобора кенгайиб, турлари ортиб бормоқда. Шунга мос равишда даромадлар ҳам кўпаймоқда. Масалан, якунланган йилда умумхўжалик фаолиятидан қарийб 598 млн. сўм даромад қилинди. Аҳолига 152,3 млн. сўмликдан ортиқ пуллик хизмат кўрсатилди. Хизмат кўрсатишдан тушган даромад салкам 574 млн. сўмни ташкил этди. Бунга, юқорида таъкидланганидек, хизмат кўрсатиш ҳажмининг сезиларли даражада ўсганлиги туфайли эришилди. Жумладан, хатли жўнатмалар бўйича белгиланган режа 116 фоизга уддаланиб, олдинги йилга қараганда 17 фоизга ўсди. Бундай ўсиш жўнатмалар бўйича эса 7 фоизни, пул жўнатмалари бўйича 4,3 фоизни ташкил этди. 2004 йилда ноанъанавий хизматлар кўрсатишдан олинган даромад ҳам сезиларли даражада кўпайди. Масалан, аҳолидан электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва телефон хизматидан фойдаланганлик учун ҳамда суғурта тўловларини қабул қилишдан 113,5 млн. сўм йиғилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 54 фоиз кўпдир. Ёки газеталарнинг чакана савдосини оладиган бўлсак, 2003 йилда 220,2 мингта даврий нашр сотилган бўлса, 2004 йил якунида бу кўрсаткич 353,5 минг нусхага тенг бўлди. Бундай мисолларни почта хизматининг барча йўналишлари бўйича келтириш мумкин. Муҳими, бундан ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ошмоқда. Йил давомида ҳар бир ишчи-хизматчининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 32800 сўмдан 42800 сўмга етди.





Филиалда ходимларнинг малакасини доимий равишда ошириб боришга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Айни пайтда соҳада ишлаётганларнинг қарийб ўн фоизини олий маълумотли мутахассислар, асосий қисмини эса ўрта махсус маълумотли мутахассислар ташкил қилади. 2004 йил мобайнида 38 нафар раҳбар ва мутахассис ўз малакасини оширди. Шулардан бир киши хорижда, қолганлари эса Тошкентдаги махсус курсларда таҳсил олди. 250 нафар почта хизматчиси учун эса жойларда касб маҳоратини ошириш юзасидан семинар-ўқув машғулотлари ташкил қилинди.

### Ғамхўрлик

Вилоятда соҳадан пенсияга чиққан ходимларга доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Жумладан, якунланган йилда 145 нафар пенсионерга моддий ёрдам кўрсатилди, байрамларда қимматбаҳо совғалар улашилди. Пенсиядаги 50 нафар ходимнинг 2004 йилдаги телефондан фойдаланганлик учун тўловлари филиал ҳисобидан ўтказиб берилди. Ўз касби бўйича тегишли меҳнат стажига эга бўлган 141 нафар ходимнинг ойлик маошига устама ҳақ тўланди. Қисқа қилиб айтганда, филиалда ходимларнинг иш шароитларини замон талаблари даражасида яхшилашга эътибор кучайтирилиб, бу борада кенг кўламдаги амалий чора-тадбирлар кўриляпти. Буларнинг барчаси ўз навбатида ходимларни янада самаралироқ ва сифатлироқ ишлашга руҳлантирмоқда.

### Амалий ишлар даври

— Вилоятимиз аҳолисининг почта хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламини доимий равишда кенгайтириб боришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди филиал директори Усмон Жумаев. — Айни пайтда яна бир янги хизмат тури — мижозларга турли халқ истеъмол молларини етказиб беришни жорий этиш устида ишлаяпмиз. Шу кунларда аҳолининг бу борадаги талаб ва истакларини ўрганиш мақсадида мониторинг амалга ошириляпти. Келгусида Йўл-патрул хизматига оид жарима тўловларини ҳам почтада қабул қилиш юзасидан тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда. Ўтган йили ташкил топган курерлик хизматининг доираси тобора кенгаймоқда. “Тезкор почта” хизматидан ҳам тез орада нафақат вилоят маркази аҳолиси, балки зарафшонлик ва учқудуқликлар ҳам фойдалана бошлашади. Почта ходимларимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилдаги аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг газ, электр энергияси, уй-жой коммунал хизматлардан қарздорлигини бартараф этишга қаратилган қарорларининг бажарилишида ҳам фаол иштирок этишяпти. Бу борада аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида тўловларни вилоят ҳудудидаги 110та алоқа бўлимининг барчасида қабул қилиш йўлга қўйилди.

Ҳа, навоийлик почта хизмати ходимлари зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни кўнгилдагидек уддалаш йўлида имконият уфқларини янада кенгайтириш, улардан оқилона фойдаланиш пайида бўлишяпти. Шу мақсадда ўтаётган ҳар бир кун, ой ва йилларни амалий ишлар даврига айлантиришяпти. Натижалар ҳам шунга муносиб бўлмоқда.

***Олим ХЎЖАЕВ***
***Навоий вилояти***

# Сизга айтар сўзимиз...

***Телефон гўшагини ҳар гал қулоғимга тутиб, “07”, “08” ёки “09” рақамларини терганимда, “Ассалому алайкум!”, деган дона-дона сўзларни эшитаман. Мижозларга бўлган илиқ бир муносабатни, таъбир жоиз бўлса, ширин такаллуф ва яхши муомала маданиятини аниқ ва теран ҳис этаман.***

**Бухоро** шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг коммутатор зали. Телефончи аёллар компютерлар ёрдамида шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатиш билан банд. Бу ерда жами 43 нафар (ҳар сменада 13 нафар) аёл меҳнат қилади. Айниқса, мижозлардан шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга буюртма олиш (“07”) хизмати ходимларининг қўли-қўлига тегмайди. Салкам 30 йилдан бери айнан шу тармоқда иш олиб бораётган, “Шуҳрат” медали соҳибаси Олия Раҳмонова, шунингдек, Шарифа Исломова, Моҳтоб Муродова, кўп йиллик иш стажига эга Зевар Рабиева, Жамила Минёзова, Дилором Ҳасанова ва бошқалар ҳақида қанча илиқ сўз айтсангиз, шунча арзийди.

Коммутатор залининг “08” хизмати телефончилари ҳам кундалик ишга ҳамиша шай. Улардан бири — Олима Мирзаева чорак асрдирки ўз касбини эъзозлаб келмоқда.

Маълумот бериш бюроси (“09” хизмати)нинг ҳам ўз жонкуяр ва ҳозиржавоб ходималари бор. Узоқ йиллардан бери аҳолига, корхона ва ташкилотларга сифатли хизмат кўрсатиб келаётган Ҳурилиқо Мустафоқулова, Назокат Қурбонова, София Ғуломоваларнинг номини ҳамкасблари ҳам, боғлама мутасаддилари ҳам мамнуният билан тилга олишади. Оқила ва доно, меҳнатсевар ва жонкуяр, ўз ишининг ҳақиқий фидойилари ҳақида тўлқинланиб сўз юритишади.

Коммутатор зали катта йўриқчиси, ўз соҳасида яхшигина тажрибага эга бўлган Замира Умарова Тошкент алоқа коллежида олган билимларини амалда кенг қўллаб кам бўлгани йўқ. У маълум муддат “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг Бухоро филиалида назорат ишлари бўйича муҳандислик қилди. 18 йиллик иш амалиёти давомида ҳамкасбларидан ҳам, ишга янги келган ёшлардан ҳам фойдали маслаҳат ва йўл-йўриқларини аямади.

Пойтахтдаги Алоқа коллежини алоқа механиги мутахассислиги бўйича битирган Дилором Ҳасанова ҳам 23 йилдан буён соҳада баракали иш юритяпти. Сифатли ва самарали хизмат кўрсатиш — унинг доимий мақсади. Ўзининг биринчи устози — моҳир телефончи Саида Ғуломовани Дилором опа ҳамон фахр билан эътироф этади. У каби яхши ишлашга, эл-юрт ишончи ва меҳрини қозонишга интилади. “Ассалому алайкум, “07” эшитади”, деган соф ўзбек тилида ва тиниқ овозда айтиладиган сўзлари билан катта-ю кичикнинг қалбидан чуқур жой олган Моира Исмоилова ва Раима Қурбоновалар ҳақида ҳам айнан шундай фикрларни билдирса бўлади. Барча ҳамкасблари сингари ҳар иккаласининг кўнглида ҳам телефончилик касбига бўлган катта бир ҳавас улар ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ уйғонган. Мана салкам чорак асрдан бери бу эзгу мақсад умрлари мазмунига айланди.

Хуллас, боғламада меҳнат қилаётган телефончи аёлларнинг ҳар бири бир дунё. Муҳими, барчаси вазифаси, эгаллаб турган лавозимларидан қатъи назар, корхона келажаги, унинг равнақи учун бел боғлаган. Биз эса ўз ишига фидойи опа-сингилларимиз ишларида фақат омадлар тилаб қоламиз.

***Асқар ИСТАМОВ***
***Бухоро вилояти***

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

**Қорақалпоғистон Республикаси давлат алоқа инспекцияси томонидан 2004 йил давомида “Қорақалпоқ Телеком” филиалининг телекоммуникациялар боғламаларида JBIC лойиҳаси объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, телекоммуникациялар ускуналарини ўрнатиш учун мўлжалланган хоналарни таъмирлаш, оптик-толали кабелларни меъёрида тортиш, станция ускуналарини сифатли монтаж қилиш, антенна-мачталар иншоотларини яшин-қайтаргич ва ерга улаш қурилмалари билан жиҳозлаш ишларининг бажарилиши бўйича жами 60та ўрганиш ўтказилди.**

# Камчиликларни вақтида бартараф этайлик

**Ўрганишлар натижаси** қурилиш ишлари бошланишида «Алоқаинвест» АЖнинг Қорақалпоқ кўчма механизациялашган алоқа жамланмаси ҳамда «SALIN FS UZBEKISTAN» ШК қурилиш корхоналари томонидан қоида ва меъёр талабларининг бузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, қоида ва меъёрлар бузилишларининг олдини олиш юзасидан корхоналарга жами 60дан зиёд эслатма хатлари (4та қурилиш корхонасига 8та кўрсатма) берилди ҳамда уларнинг бажарилиши бўйича назорат ўрнатилди. Қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилишини етарли даражада назоратга олмай, камчиликларга йўл қўйган “Қорақалпоқ Телеком” филиали техник назоратчи ходимларидан Б.Утемуратов, Б.Сарсенов, Ж.Сарикуловларга ҳайфсан эълон қилинди, Ж.Болтабоев эса техник назоратчи лавозимидан четлатилди. Кўрилган чоралар натижасида баъзи объектларда хоналар иккинчи маротаба таъмирланди, талабга жавоб бермайдиган 5та кабел қудуғи алмаштирилиб, 110тасига консул-кронштейнлар ўрнатилди. Шунингдек, участкаларда кабел белгилари ва улардаги ёзувлар техник меъёрга келтирилиб, қудуқлардаги кабеллар тартибга солинди. Бироқ филиал ва қурилиш корхоналарининг эътиборсизлиги туфайли кабел ўтган ерларда бузилган йўлак ва автойўлларни асфалтлаштириш ишларида ҳанузгача оқсаш сезилмоқда.

«Detecon NTti» маслаҳатчилар консорциуми ходимлари томонидан филиалнинг Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир телекоммуникациялар боғламаларида телекоммуникация тизимларининг ўрнатилиши ва хоналар ҳолатини ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳам назорат кучайтирилиб, ушбу боғламаларда кроссларда ерга уланган ҳимоя контурлари кабели стандарт кўк рангли кабелга алмаштирилишига, хоналарга ёритгичлар ўрнатилишига ва бошқа камчиликларнинг бартараф этилишига эришилди.

Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши якунида «FUJIKURA» LTD супервизорлари, “Субпудратчи” корхонаси, “NEC” компанияси ва буюртмачи корхоналар вакиллари билан биргаликда қурилмаларни кўрикдан ўтказиш ишлари амалга оширилди ҳамда оптик-толали кабеллар, рақамли коммутация тизимлари ва телерадиоузаткичларнинг параметрлари ўлчаниб, тест синовларидан ўтказилди.

Бугунги кунда Халқобод-Чимбой-Қораўзак-Тахтакўпир, Қўнғирот-Мўйноқ, Шуманай, Қанликўл, Респо-Водник-Хўжайли, Манғит, Кегейли-Бўзатов, Нукус-Манғит, Манғит-Гурлан участкаларида оптик-толали кабеллар тортиш ишлари якунига етказилди. Қораўзак, Чимбой, Тахтакўпир, Амударё ва Қанликўл телекоммуникациялар боғламаларида янги рақамли АТСлар, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир, Мўйноқ, Шуманай, Қанликўл, “Водник” қўрғонида, Манғит, Бўзатов телекоммуникациялар боғламасида рақамли коммутация тизимлари ўрнатилиб, тажриба сифатида ишга туширилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, алоқа соҳаси ходимларининг чин дилдан ва ишга бор меҳрни бериб ишлашлари натижасида кўрсатилаётган алоқа хизматлари турларининг кўпайишига ҳамда сифатининг яхшиланишига ҳам эришилди. Жумладан, “Водник” қўрғонида, Қораўзак, Тахтакўпир, Қанликўл ва Амударё телекоммуникациялар боғламаларида олдин ички станциялар боғланишида раддиялар 15-25 фоизгача бўлган бўлса, бугунги кунда бундай ҳолат кузатилгани йўқ. АМТСга умумий чиқишларнинг сўзлашувлар билан тугаган миқдори илгари 16-25 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир у 38-40 фоизга етди.

Тахтакўпир, Мўйноқ, Манғит, Шуманай, Қўнғирот радиотелевизион станцияси (РТС) — туман телекоммуникациялар тармоғи участкаларида оптик-толали кабеллар тортилди. Нукус, Қўнғирот, Тахтакўпир, Мўйноқ, Қорақалпоғистон ва Шуманай РТСларида телерадиоузаткичлар ўрнатилиб, телерадиодастурларни тарқатиш сифати яхшиланди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида мамлакатимизга келтирилаётган замонавий технологиялар, ўрнатилаётган янги рақамли телекоммуникация воситалари сифатли хизмат кўрсатиш учун қатор қулайликлар яратиши турган гап. Ушбу имкониятлардан қай даражада фойдалана олиш эса фақат сизу бизга боғлиқ.

***Меригул ТАИПОВА,***
***Қорақалпоғистон Республикаси ДАИ бошлиғи***

# АКТ таълим тизимида



**Чирчиқ** тиббиёт коллежи ярим асрдирки соғлиқни сақлаш тизимига малакали мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Айни пайтда бу ерда ҳамширалик, акушерлик, тиббий профилактика ва даволаш ишлари йўналишлари бўйича 1400дан ортиқ талаба таҳсил олмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг таълим тизимида эришилаётган ижобий кўрсаткичлар асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Интернет, электрон почта, мултимедиа қурилмалари давримиз ёшларининг энг яқин кўмакчиларига айланган. Коллеж раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида иш юритиб, бу борада бир қанча ибратли ишларни амалга оширишди. Жумладан, охирги беш йил ичида коллежга бошқа замонавий тиббий асбоб-ускуналар қаторида мултимедиа қурилмаси келтирилди, турли авлодга мансуб компютерларнинг сони 40дан ошди. Барча қулайликларга эга иккита компютер синфи ташкил этилган бўлиб, ҳозирда машғулотларнинг айрим турлари ҳамда фанлар бўйича тест синовлари компютерлар воситасида ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси қулайлик яратиш билан бирга ёшларнинг ўз ихтисосликларини мукаммал ўзлаштиришларида қўл келмоқда.

***Собит АҲАДОВ,***
***“Xabar” мухбири***

***Суратда:*** *Коллеж ўқитувчилари фанлар бўйича тест саволларини кўриб чиқишяпти.*

ALOQA OLAMIDA

## РУМИНЛАРГА ЭСКИСИ МАЪҚУЛ

**BBC News** хабар беришича, эски мобил телефонлардан қайта фойдаланишнинг атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлашдан ташқари ижтимоий жиҳатдан бир қатор афзалликлари ҳам бор экан. Лондоннинг Forum for the Future жамоатчилик ташкилоти яқинда ўтказган тадқиқотларига таяниб, худди шундай тўхтамга келган.

Буюк Британияда йилига фойдаланишга яроқсиз ҳисобланган 15 миллион донадан ортиқ қўл телефони чиқитга чиқарилади. Уларнинг фақат 25 фоизигина уяли алоқа операторларига қайта фойдаланиш мақсадларида етиб келади. Бугунги кунда чиқиндихоналарда 90 миллиондан ортиқ эски телефон аппаратлари ётибдики, бу мутаносиб равишда 9000 тоннани ташкил этади.

Даромадларининг пастлиги сабабли сўнгги русумдаги қурилмаларни сотиб олишга фуқароларининг қурби етмайдиган мамлакатлар эскирган телефон аппаратларини ўтказишга энг қулай бозор бўлиб қолмоқда. Forum for the Future тадқиқотлари таъмирдан чиқарилган телефонларга, айниқса, Европанинг энг қашшоқ мамлакатларидан бўлган Руминияда талаб катта эканлигини кўрсатди. Буни мазкур мамлакатда эски, анъанавий телефон тармоқларининг ҳам етарли даражада эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Статистика маълумотларига кўра, мобил телефонлардан фойдаланувчи руминларнинг 35 фоизи янгисига нисбатан уч баравар арзон бўлган эски қурилмаларни ишлатишаркан.

## ЧЎНТАК КОМПЮТЕРЛАРИ КЕРАКМИ?

**Reuters** тарқатган хабарда Sony корпорацияси жорий йилнинг июл ойидан япон бозори учун чўнтак компютерлари (ЧК) ишлаб чиқаришни тўхтатиши ҳақида гап боради. Бу маълумот Sonyнинг ушбу маҳсулотни тайёрлашдан бутунлай воз кечиши ҳақидаги эҳтимолларни кучайтирган. Чунки Sony бошқа ҳудудларда ЧКни ишлаб чиқаришни тўхтатганига анча бўлган. Ўзгаришлар Sony ЧКларида қўлланиладиган операцион тизимларни ишлаб чиқарувчи PalmSource компаниясига катта молиявий зарар етказиш билан бирга, умуман олганда, "чўнтак компютерлари керакми?", деган савол туғилишига ҳам сабабчи бўлади.



Sony вакиллари бундай қарорга келишларига сабаб қилиб чўнтак компютерларига хос амалларни бажаришга қодир турли смартфонлар ва бошқа мобил қурилмаларнинг кўпайиб бораётганини кўрсатишган.

2003 йили Sonyнинг Япония чўнтак компютерлари бозоридаги улуши 32,1 фоизни ташкил этарди. Кейинги ўринларни эса Sharp (19,5 фоиз) ва Casio (16,4 фоиз) компаниялари банд этганди. Шунга қарамасдан, ЧК ишлаб чиқаришдан воз кечиш Sonyнинг мобил қурилмалар бозорини буткул тарк этишини англатмайди, бу йўналиш компаниянинг асосий даромад келтирувчи соҳаларидан бири бўлиб қолаверади.

## ТЕЛЕФОНИНГИЗГА ҲУШЁР БЎЛИНГ!

**Феврал ойи** ниҳоясида Интернетда 500дан зиёд машҳур инсонларнинг телефон рақамлари ва электрон почта манзилгоҳлари пайдо бўлди. Бу махфий маълумотлар телебошловчи, актриса ҳамда машҳур Hilton меҳмонхоналар империяси вориси Пэрис Ҳилтондан ўғирланган. Жиноятчилар бунинг учун Ҳилтоннинг маълумотлар сақланувчи онлайнли аккаунти ("аккаунт" — сўзма-сўз таржимаси "қайд ёзуви". Одатда у фойдаланувчининг тармоқдаги номи, ҳақиқий ном, парол, фойдаланувчи ҳуқуқлари ва каталогининг номидан таркиб топган бўлади)ни "ишғол қилишган". Кейин маълум бўлишича, бундай вазиятга тушиш эҳтимоли мумкин бўлган бутун дунёга машҳур одамлар сони камида юз нафарни ташкил қиларкан. Бу фикр "Оскар" тақдимоти маросимида қатнашган юлдузларнинг аксарияти уяли телефонларидаги маълумотларни сақлаш жиҳатидан ҳимояга муҳтожлигини аниқлаган Лос-Анжелес консалтинг фирмаларидан бирига тегишли.



Гап шундаки, Flexilis компанияси асосчиларидан бири Жон Херинг мазкур маросимга ичида ноутбук ва қудратли антенна қурилмаси бўлган рюкзакни олиб киришга муваффақ бўлган. Компания ходимлари атрофдагиларга билдирмасдан махсус дастур таъминоти ёрдамида барча меҳмонлар ва номзодларнинг телефонларидаги маълумотларни кўчириб олишди ва бу телефонларнинг тахминан 50—100тасидаги маълумотлар киберлжиноятчилар қўлига тушиб қолиши мумкинлигини исботлашди.

Flexilis тадқиқотлари шахсий маълумотларни ўғирлаш эҳтимоли тобора ошиб бораётганини кўрсатади. Биласизки, замонавий мобил телефонларга кўп махфий маълумотлар, жумладан, кредит карталар рақамларигача киритилиши мумкин. Шу боис биринчи галда киберлжиноятчилар техника янгиликларидан энг аввал фойдаланадиган машҳур кишилар, сиёсатчилар ҳамда катта-катта компаниялар раҳбарларини "нишонга олишади".

***Интернет материаллари асосида тайёрланди***

СПРАШИВАЮТ — ОТВЕЧАЕМ

***В редакцию поступают письма от различных предприятий, организаций и учреждений, а также представителей субъектов малого бизнеса и предпринимательства с просьбой разъяснить порядок и сроки перерегистрации субъектов предпринимательства для получения статуса юридического лица, дающего право на осуществление лицензируемого вида деятельности в сфере телекоммуникаций. Выполнить их просьбу мы попросили главного юрисконсульта УзАСИ Бердиёра ЖАББАРОВА.***

# Предпринимательству - зелёный свет!

— **Кабинетом** Министров Республики Узбекистан принято постановление от 28 декабря 2004 года № 610 «О параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2005 год», в пункте 12 которого определено, что с 1 января 2005 года виды деятельности согласно приложению 25 к данному постановлению осуществляются исключительно субъектами предпринимательства, имеющими статус юридического лица.

Во исполнение требований постановления все индивидуальные предприниматели, осуществляющие деятельность, в частности:

техническое обслуживание и ремонт автоматизированных систем управления техническими процессами и производствами, радиоэлектронной аппаратуры прецизионного и станочного оборудования с числовым программным управлением (ЧПУ);

оказание услуг сетей распространения (трансляции) телепередач - ретрансляции телерадиопрограмм по кабельной сети, а также эксплуатация сети телекоммуникаций и оказание услуг телекоммуникаций;

брокерскую деятельность на биржах

должны перерегистрироваться **до 1 апреля 2005 года** в хокимиятах по месту нахождения субъекта малого бизнеса и предпринимательства или по месту жительства физического лица, осуществляющего предпринимательскую деятельность данного вида.

Индивидуальные предприниматели, зарегистрированные в установленном порядке до 1 января 2005 года, в течение **января-марта 2005 года** осуществляют деятельность и уплачивают фиксированный налог на доходы от осуществления указанных в приложении 25 к данному постановлению видов деятельности по ставкам, установленным для них в 2004 году Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и г. Ташкента.

Тем самым субъекты предпринимательства, осуществляющие лицензируемый вид деятельности в сфере телекоммуникаций, в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности», «О лицензировании отдельных видов деятельности», другими нормативными актами, а также согласно полученному специальному разрешению (лицензии) могут осуществлять свою предпринимательскую деятельность **до 1 апреля 2005 года.**

Все юридические и физические лица, а также находящиеся на территории Республики Узбекистан иностранные юридические лица, иностранные граждане, лица без гражданства, осуществляющие предпринимательскую деятельность на территории Республики Узбекистан, надлежащим образом и в установленные сроки должны соблюдать требования постановления «О параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2005 год».



При необходимости продолжения или осуществления лицензируемого вида деятельности в сфере телекоммуникаций, субъекты предпринимательства должны пройти до 1 апреля 2005 года перерегистрацию в регистрирующих органах с последующим переоформлением договоров с операторами телекоммуникаций.

Вышеуказанное постановление и другие действующие законодательные акты предоставляют равные права и условия всем индивидуальным предпринимателям, осуществляющим лицензируемый вид деятельности, в том числе в сфере телекоммуникаций, которые после перерегистрации в установленном порядке приобретают статус юридического лица.

В связи с изменением организационно-правовой формы субъектов предпринимательства в установленном порядке утверждаются их учредительные документы (Устав, Положение), а органами Государственного комитета по статистике выдаются соответствующие свидетельства о включении их в Государственный реестр. После этого хозяйствующий субъект (юридическое лицо) открывает расчетные и текущие счета в учреждениях банка и в десятидневный срок с момента регистрации учредительных документов проходит регистрацию в Государственной налоговой инспекции, где открываются лицевые счета налогоплательщика.

В случае изъявления желания на дальнейшее осуществление лицензируемого вида деятельности в сфере телекоммуникаций, субъекты предпринимательства после перерегистрации учредительных документов и получения в установленном порядке правового статуса юридического лица могут обратиться с заявлением в лицензируемый орган - Узбекское агентство связи и информатизации.

В соответствии с законами Республики Узбекистан «О связи», «О телекоммуникациях», «О лицензировании отдельных видов деятельности» приняты постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 ноября 2000 года № 458 «О мерах по совершенствованию системы управления в сфере телекоммуникаций и почтовой связи», которым утверждено Положение о лицензировании деятельности в сфере телекоммуникаций, а также постановление Кабинета Министров от 27 сентября 2003 года № 413 «О внесении изменений и дополнений в Положение о лицензировании деятельности в сфере телекоммуникаций».

Порядок обращения соискателя в лицензирующий орган с заявлением о получении лицензии на осуществление деятельности в сфере телекоммуникаций, перечень подлежащих представлению документов, порядок и процедура рассмотрения заявлений соискателя, уплаты государственной пошлины, сроки выдачи лицензий, осуществление контроля за соблюдением лицензионных требований и условий, а также порядок приостановления, прекращения действия лицензии, её аннулирования и обжалования решений лицензирующего органа предусмотрены в указанном Положении.

В частности, согласно пункту 41 Положения предусмотрено, что за выдачу лицензии и продление срока действия лицензии взимается государственная пошлина, размер которой устанавливается постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 24 октября 2001 года № 421 «Об утверждении размеров государственной пошлины на право осуществления деятельности в сфере телекоммуникаций».

При получении лицензии на осуществление деятельности по счетам подвижной радиотелефонной (сотовой) связи в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 ноября 2000 года № 458 сроком на 15 лет при условии охвата всей территории республики разрешается уплачивать государственную пошлину ежегодно равными долями в период действия лицензии. При этом очередной ежегодный платеж производится не позднее, чем за 30 дней до начала очередного года использования лицензии. В случае неуплаты очередного платежа в установленный срок действие лицензии приостанавливается.

В случае получения лицензии на осуществление деятельности в сфере подвижной радиотелефонной (сотовой) связи на ограниченной территории республики размер государственной пошлины определяется пропорционально численности населения зоны охвата из расчета 5,85 минимальных заработных плат на каждую тысячу жителей.

В случаях досрочного прекращения действия или аннулирования лицензии в соответствии с законодательством Республики Узбекистан невыплаченная часть государственной пошлины уплачивается лицензиатом единовременно в месячный срок со дня прекращения действия или аннулирования лицензии.

Согласно статьи 15 Закона «О лицензировании отдельных видов деятельности» за рассмотрение лицензирующим органом заявления соискателя лицензии взимается сбор. Размер сбора за рассмотрение заявления соискателя лицензии по каждому лицензируемому виду деятельности устанавливается Кабинетом Министров Республики Узбекистан. При этом максимальный размер сбора не может превышать пятикратного размера минимальной заработной платы, установленной законодательством.

Суммы сбора за рассмотрение заявлений соискателей лицензий зачисляются на счет лицензирующего органа. В случае отказа соискателя от поданного заявления сумма уплаченного сбора возврату не подлежит.

В случае, если лицензиат в течение трех месяцев с момента направления (вручения) лицензирующим органом уведомления о принятии решения на выдачу лицензии не представил документ, подтверждающий уплату государственной пошлины, либо не подписал лицензионное соглашение, лицензирующий орган вправе аннулировать указанную лицензию.

Все заявления на получение лицензии с приложенными документами, подтверждающими возможность осуществления лицензируемого вида деятельности в сфере телекоммуникаций, рассматриваются коллегиально на заседаниях экспертной комиссии Узбекского агентства связи и информатизации по вопросам лицензирования. Принятые решения в установленном порядке доводятся до соискателей лицензии (лицензиатам).

Специалисты отдела лицензирования и сертификации Узбекского агентства связи и информатизации при обращении к ним юридических и физических лиц или их представителей, в том числе иностранных юридических лиц, иностранных граждан, лиц без гражданства, могут дать им консультации по всем интересующим их вопросам, связанным с осуществлением лицензируемого вида деятельности в сфере телекоммуникаций.

Лицензирующие органы в пределах своих полномочий не только осуществляют контроль за соблюдением субъектами предпринимательства требований лицензий и лицензионных соглашений, но и оказывают им всяческую поддержку и защищают их конституционные права и интересы в установленном законом порядке.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

***Китай:***

## Запретили рассылать гороскопы по SMS

**Китайское** агентство по телерадиовещанию и кинематографии заявило о том, что начинает кампанию по борьбе с распространением разного рода "суеверий", таких, как гороскопы, предсказания магов и хиромантов. По мнению Коммунистической партии Китая, подобные "псевдонауки" вносят сумятицу в головы, прежде всего, молодых людей.

Под запретом в Китае не так давно оказались службы "секса по телефону", а в Интернете и на SMS-серверах сотовых-компаний были установлены фильтры, которые следят за распространением нецензурных и непристойных сообщений. Как передаёт агентство Синьхуа, теперь будут запрещены и все виды "предсказаний ко дню рождения" и "пророчеств на Новый год", в том числе и получаемые по телефону - как по голосовой связи, так и при помощи SMS -сообщений.

***Италия:***

## Запрет на незаметную фото- и видеосъёмку при помощи мобильников

**Правительство** Италии всерьёз встревожено развитием современных телекоммуникаций - чиновников беспокоит то, что при помощи новейших моделей сотовых телефонов с камерами можно незаметно фотографировать и снимать на видео практически в любой ситуации, причём без согласия тех, кого снимают. Как пишет газета Repubblica, власти разрабатывают закон, согласно которому работа камеры мобильного телефона должна обязательно сопровождаться световым или звуковым сигналом, а передача изображений "без спроса" окажется под запретом.

Распространение сотовых сетей третьего поколения, которые позволяют совершать "видеозвонки" с прямой трансляцией звука и изображения, а также технология передачи мультимедийных сообщений (MMS) делают проблему неприкосновенности частной жизни весьма острой. Один из разработчиков законопроекта, Стефано Родотто, говорит: "Изображения и звуки - это неотъемлемые составляющие частной жизни, особенно если они касаются политических или религиозных убеждений человека, состояния его здоровья или сексуальных привычек". Кроме того, напоминает Repubblica, камерофоны могут стать отличным орудием для промышленного и иных видов шпионажа.

Предполагается, что новый итальянский закон обяжет владельцев сотовых телефонов с камерами спрашивать разрешения на передачу фото- и видеоизображений у тех, кто будет на них запечатлён. Кроме того, запрещено будет пользоваться теми моделями аппаратов, которые предполагают возможность незаметной съёмки. Производители должны будут оснащать их сигнальными устройствами.

FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

# Омон бўлинг, устоз!

***Бирор ишни бошлашдан аввал унинг режаси тузилгани каби, алоқа соҳасида ҳам қурилиш ва лойиҳалаш ишларига доимо катта аҳамият қаратилган. Бу йўналишга ўзларининг бутун меҳнатини, билими ва тажрибасини бахшида этган кўплаб инсонлар борки, уларнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидламай иложимиз йўқ. Шундай инсонлардан бири Наримон КАРИМОВдир.***

**1955 йили** Тошкент шаҳридаги ўрта мактабни тугатган Наримон ака 4-Алоқа билим юртига ўқишга кирди. Билим юртини битирганидан сўнг Ўзбекистон алоқа вазирлиги йўлланмаси билан Сурхондарё вилоятига ишга юборилди. Вилоят алоқа бошқармасининг Алоқа қурилиш-монтаж корхонасида 5-разряд монтажчи-бригадир вазифасида иш бошлаган ёш ва шижоатли мутахассис қишлоқ жойларни телефонлаштириш ва радиолаштириш билан шуғулланди. У биринчи маротаба ўшанда ўз касбининг мевасини тотиб кўрган — халқ олқишига сазовор бўлган эди. Ҳали телефон ва радио овозини эшитмаган аҳоли қанчалар қувонганини ҳамон ўзгача бир ҳаяжон билан ёдга олади.

Шу орада йигитлик бурчини ўтаб қайтган Н.Каримов 1961 йили собиқ Иттифоқ Давлат алоқа лойиҳа институтига ишга кирди ва катта техник, муҳандис, катта муҳандис, гуруҳ бошлиғи вазифаларида хизмат қилди. Бу даврларда Ўрта Осиё, Қозоғистон ҳамда Сибирда алоқа соҳасини ривожлантириш учун қидирув ва лойиҳа-смета ишларини бажарди, қурилиш бўйича муаллифлик назоратларини олиб борди. Нукус ва Урганчда қўл коммутаторларини АТСга, Тошкентда АТС-2/3 машина станцияларини декадали-одимловчи русумига алмаштирилишига ўз ҳиссасини қўшди.

1978 йили институтнинг телекоммуникация соҳасида алоқа линияларини лойиҳалаш бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимига тайинланди. 1981 йилдан эса ушбу бўлим бошлиғи бўлди. Бўлимнинг вазифаси Ўрта Осиё ва собиқ Иттифоқ ҳудудида телекоммуникация объектларининг (АТС, шаҳарлараро алоқа линиялари, РРЛ) линиялари бўйича қидирув ишларини олиб бориш ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш эди. Н.Каримов иштирокида Сибирдан то Мўғулистон Республикаси марказигача магистрал кабел линияси бўйича қидирув олиб борилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Шунингдек, у Тошкентда бажарилган деярли барча автомат телефон станциялари лойиҳа-қидирув ишларида қатнашди.

1992 йили Ўзбекистон алоқа вазирлигининг қурилиш масалалари бўйича бош мутахассис лавозимига ўтказилгани Наримон ака учун билдирилган катта ишонч ва айни чоғда катта масъулият эди. Бу вазифада у уч йилдан ортиқроқ ишлади. 1994 йили эса уни Транс-Осиё-Европа оптик-толали магистрали лойиҳасини бошқариш учун лойиҳалаш институтининг етакчи бўлимига қайтадан бошлиқ этиб тайинлашди. Ўша пайтда ушбу бўлим ходимлари Н.Каримов раҳбарлигида икки босқичдан иборат лойиҳа — биринчиси Абай (Қозоғистон)-Тошкент-Гулистон-Жиззах-Самарқанд-Қарши-Бухоро ва ниҳоят Туркманистоннинг чегарасигача, иккинчиси эса Кўкдала (Қашқадарё)-Бойсун тоғлари-Денов-Термиз ва Тожикистон ҳамда Афғонистон чегарасигача бўлган кабел трассалари ва станция иншоотлари қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлашди. Лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишлари тезда тугалланиб, объектлар фойдаланишга қабул қилинди.

Кейинчалик Япония ҳукумати кредити билан OECF-1 объекти бўйича қидирув ва лойиҳа ишларини бошқариш ва қурилишда қатнашиш ҳам Наримон Каримовга топширилди. Бу объектда Тошкент-Ангрен, Бухоро-Нукус оптик-толали магистрал кабели, станция иншоотлари, радиореле линиялари ҳамда вилоятлар ичидаги алоқа линиялари лойиҳаланди ва қурилди.

1999 йилнинг июн ойида катта тажрибага эга бўлган Наримон Каримов қурилиш соҳаси назорати бўйича Давлат алоқа инспекциясига таклиф этилди. У телекоммуникация соҳасида ушбу йўналиш бўйича кўплаб меъёрий ҳужжатларни тўплади ва тажрибада қўллади. Бу борада алоқа соҳасида қурилиши тугалланган объектларни қабул қилишни меъёрий ҳужжатлар асосида йўлга қўйиш бўйича вилоят бўлинмалари ва субъектлар билан кўп ишлашга тўғри келди. Давлат алоқа инспекциясида қурилиш бўлими ташкил этилди ва Н.Каримов бўлимда ўз фаолиятини давом эттирди. Яқинда кўп йиллик самарали меҳнати билан соҳа ривожига муносиб ҳиссасини қўшган Наримон ака пенсияга кузатилди.

"Ўз касбининг устаси" нишони соҳиби Наримон Каримовнинг кўплаб шогирдлари бугунги кунда соҳанинг турли йўналишларида самарали меҳнат қилишмоқда. Улар ҳанузгача бирор масалада муаммо туғилса, у кишининг маслаҳатларига таянадилар. Устозимизга барча шогирдлари номидан узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

***Юсуф ДАДАЖОНОВ,***
***Тошкент вилояти ДАИ бошлиғи***

SALOMATLIK — TUMAN BOYLIK

# Буйрак хасталигида



***Буйрак хасталиги кўпинча шамоллаш, заҳарланиш, буйракда тошлар йиғилиши, шунингдек, пешобни тез-тез бўшатмасдан қовуқни мунтазам тўлдириб юришдан ҳам келиб чиқиши мумкин. Ушбу хасталикни даволашда шифобахш неъматлардан — ловия, қовоқ, бўйимодарон, семизўт, қовун, беҳи ва узумдан фойдаланса бўлади.***

**Ҳар стакан** сувга бир сиқим ловия солиниб, ярим соат давомида қайнатилади ва докадан сузиб олиб, 10 кун давомида ҳар куни 4 маҳал овқатдан олдин 100-150 граммдан ичиб турилади.

Қовоқ ҳам хосиятли таом бўлиб, Ибн Сино унинг хом эти ширасидан буйрак касалини даволашда фойдаланган. Буйраги хасталанган беморга қовоқ уруғидан чой тайёрлаб ичиш тавсия этилади.

Бўйимодарон ўсимлигини Ибн Сино буйрак тошини майдалашда ва туширишда ишлатган. Бунинг учун бўйимодарон гуллаган пайтда гули билан узиб қуритилади. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйилади ва ўсимликнинг ер устки қисмидан бир ош қошиқ солиб, 1 соат дамланади. Сўнгра докадан сузилади. Дамламадан кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан 10 кун ичилади. 3-4 кун дам олиб, даволанишни давом эттириш мумкин.

Семизўт таркибида кўп миқдорда С витамини, қанд, алкалоид, гликозид, фосфор, калций унсурлари бор. Ибн Сино унинг дамламасини буйрак хасталикларини даволашда қўллаган ва ўта шифобахш эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Дориланмаган қовун ҳам бу касалга даводир. Узум шарбатини истеъмол қилиб туриш ҳам фойдали. Бундан ташқари, Ибн Сино беҳининг сиқиб олинган шарбатига асал ва сирка қўшиб, шифобахш дори тайёрлаган.

Бизга маълумки, агар инсон организмида К витамини камайиб кетса ҳам буйрак хасталиги келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун К витамини кўп бўлган неъматлар (пиёз, карам, ловия, кўкатлар, жигар, тухум кабилар)ни истеъмол этиб туриш тавсия этилади.

SPORT, SPORT, SPORT

## ЧОРАК ФИНАЛ ЯКУНЛАНДИ

**Тошкент** алоқа касб-ҳунар коллежида мини-футбол мусобақасининг чорак финал учрашуви ўтказилди. ЎзААА жамоаси ўзининг ишончли ўйинлари билан ғолибликка асосий даъвогар эканлигини исботламоқда. Чорак финалда улар "Ўзбектелеком" жамоасини катта ҳисобда мағлубиятга учратдилар. Энг шиддатли баҳс ФТМТМ ва "Тошкент почтамти" жамоалари ўртасида кечди. Аввалига кетма-кет тўртта тўп ўтказиб юборган "Тошкент почтамти" футболчилари ўйин тугагунга қадар рақиб дарвозасига беш тўп билан жавоб беришга муваффақ бўлдилар.

***"Тошкент Телеком" – ДФХ – 2:1***
***ФТМТМ – "Тошкент почтамти" – 4:5***
***ЎзААА – "Ўзбектелеком" – 5:1***
***Алоқа коллежи – "Тошкент почтаси" – 2:1***

Эртага ушбу мусобақа ўз ғолиб ва совриндорларини аниқлайди. Ярим финалда қуйидаги жуфтликлар майдонга тушади.

***"Тошкент Телеком" – ЎзААА***
***"Тошкент почтамти" – Алоқа коллежи***

Куннинг иккинчи ярмида эса учинчи ўрин учун ва финал учрашувлари ўтказилади.

## ҒОЛИБ — "САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ"

**Сиҳат саломатлик йили** муносабати билан Самарқанд алоқа касб-ҳунар коллежининг спорт залида вилоят алоқа корхоналари раҳбар ходимлари ўртасида кўпкураш ва мини-футбол мусобақалари ўтказилди.

Қизиқарли ўтган кўпкураш мусобақаларида "Самарқанд Телеком" филиали жамоасига тенг келадигани топилмади. "Шаҳарлараро алоқа корхонаси-4" жамоаси иккинчи, "ЎзИ-Самарқанд" филиали жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Мини-футбол баҳсларида ҳам "Самарқанд Телеком" филиали ғолибликни қўлга киритди. Кейинги ўринларни "Шаҳарлараро алоқа корхонаси-4" ва "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Самарқанд филиали жамоалари банд этишди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

***Ўз мухбиримиз***

## КЎЧМА КУБОК "НАВОИЙ ТЕЛЕКОМ"ДА

**Ўтган ҳафтада** Навоий тиббиёт коллежи спорт мажмуасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги таркибига кирувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбар ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича вилоят мусобақалари бўлиб ўтди. Қуръа натижаларига кўра, жамоалар икки гуруҳда ўзаро баҳс олиб боришди.

**"А" гуруҳи**

1. ***"Алоқабанк"***
2. ***"Радиотелевидение узатиш маркази"***
3. ***"Шаҳарлараро алоқа корхонаси - 10"***
4. ***Ҳудудий бошқарма ва ЭММХ***

**"В" гуруҳи**

1. ***Давлат фелдъегерлик хизмати***
2. ***"Навоий почтаси"***
3. ***"Алоқаинвест" ва "UzPAK"***
4. ***"Навоий Телеком"***

Мусобақаларда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Йўлдош Жўлиев, "Навоий Телеком" филиали техник директори Турсун Олимов, "Шаҳарлараро алоқа корхонаси - 10" директори Малик Сиддиқов, "Радиотелевидение узатиш маркази" бошлиғи Бахтиёр Ниёзов ва "Алоқаинвест" АЖнинг Навоий вилоят кўчма механизациялашган алоқа жамланмаси раҳбари Зокир Дўстбоевлар жамоаларини ўзлари майдонга олиб тушдилар.

Мусобақа натижаларига кўра, "Навоий Телеком" филиали жамоаси ғолиб деб топилди ва вилоят Ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган Кўчма кубок соҳибига айланди. Кейинги ўринларни "Радиотелевидение узатиш маркази" ва "Шаҳарлараро алоқа корхонаси - 10" жамоалари банд этишди. "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Навоий филиали директори Усмон Жумаев "Энг ташкилотчи раҳбар", "Радиотелевидение узатиш маркази" жамоаси вакили Шуҳрат Халилов "Энг ёши улуғ қатнашчи" номинациялари бўйича тақдирланишди. Шунингдек, совриндорларга ҳам вилоят бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг "Фахрий ёрлиқ" ва эсдалик совғалари топширилди.

***Муножот Довулова,***
***"Навоий Телеком" филиали спорт ишлари йўриқчиси***

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

"Андижон Телеком" филиали ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг Андижон вилоятидаги вакиллиги жамоалари Улуғнор телекоммуникациялар боғламаси катта ҳисобчиси Восилжон Маматкаримовга отаси **Муҳиддин АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

NAZM GULSHANI

# Висолда умиду озор яширин





## Дўстлар бор, кўнгил бутун

Бугун аҳволим яхши,
Ўхшадим сал одамга.
Кулгу қўниб лабимга,
Хушнуд боқдим оламга.

Рости, дилдан ҳис қилдим,
Дўстларимнинг меҳрини.
Қувондим кашф этганда,
Ҳар бирининг зеҳнини.

Орзую Мурод бунда,
Кўзларида нури бор.
Ҳар бири жигаримдек,
Ёнимда икки Анвар.

Ҳар куни олар хабар,
Билинмас йироқлиги.
Кулдириб унуттирар
Вужуднинг чарчоғини.

Не бўлса ҳам чидармиз,
Кўп экан сал "норма"си.
Ярашгандир ўзига,
Аскарларнинг формаси.

Шукур деймаан доимо,
Дўстлар бор, кўнгил бутун.
Шу куни тарқаб кетди,
Дилни хун этган тугун.

Шундан аҳволим яхши,
Хушнуд боқдим оламга.
Яна ортиқ не керак,
Дўст излаган одамга.

***

Менинг кўзларимда бир зор яширин,
Сенинг нигоҳингда баҳор яширин.
Ишқ сўзин айтмоққа журъат қайдадир,
Висолда умиду озор яширин.

***

Ҳамма ҳам қийналди. Қарайин қаён,
Деҳқоннинг аҳволин қилайми баён.
Бандаман, оҳ чекдим, ўзни овутдим,
Мендан кўра сенга барчаси аён.

***

Яна эсиб қолди салқин шамоллар,
Яна юрагимни ўртар саволлар.

Шамолга соврилиб кетмадими вақт?
Қанча ишлар учун қилган эдик жаҳд.

Наҳот бехабарман элнинг ҳолидан,
Ўзимча тотдимми ҳаёт болидан.

Уларнинг дардларин олмадим наҳот,
Мени ўз домига тортдими ҳаёт?

Сездирмайингина кириб келди куз,
Япроқлар пойига йиқилди беҳис.

Ёмғирлар ёғди аллалар айтиб,
Йилнинг сарҳисоби келдими етиб?

Ҳазин бир куй тинглаб айтдим сўзимни,
Ахир мен кузакдан топдим ўзимни.

***

Ногаҳон қарабман, билмай қарабман.
Қайданам мен сендан соат сўрабман.

Ҳусну латофатинг ҳис қилдим дилдан.
Вужуд-вужудимда ёнди бир гулхан.

Аланга олдириб бир тутам чўғни.
Ёққан гулханингда исингинг йўқми?..

## Отамнинг айтганлари

Дўстларингга дастурхонинг мўл,
Душманингга ширин сўзли бўл,
Равосини Аллоҳдан сўра.

Болам бўлсанг осонга чопма,
Болам бўлсанг хастадан қочма,
Шифосини Аллоҳдан сўра.

Фарзандингни захга ўтқазма,
Аёлингга озор етказма,
Вафосини Аллоҳдан сўра.

Шотутларнинг яхши сояси,
Оқилларнинг яхши чораси,
Ризосини Аллоҳдан сўра.

Кучукларни кўрганда қочма,
Ёнғоқ томон қадаминг босма,
Не сўрасанг, Аллоҳдан сўра.

Эл қатори бўлсин сенга ҳам,
Эл билан бўл, йироқ бўлур ғам,
Не истасанг, Аллоҳдан сўра.

**Абдураҳмон ЖЎРА**

# Сканворд

Тузувчи: Абдумажид АҲМЕДОВ




## Хандалар

— Кўкрак қафасингиз қачон оғрийди?
— Нафас олсам.
— Яхши. Уч кун уйда ўтиринг. Нафас олманг. Кейин бориб кўраман.

***

Беморнинг қариндошлари профессорга хизмат ҳақини узатаётиб сўрашибди:
— Профессор, айтинг-чи, бемор яшайдими?
— Ҳозирча йўқ.

***

— Уйқунгиз қанақа?
— Жуда ҳам яхши!
— Ким бўлиб ишлайсиз?
— Тунги қоровулман.

***

Доктор ҳузурига икки қулоғи куйган бир одамни олиб келишди.
— Хўш, қулоққа нима қилди?
— Э, шимимни дазмоллаётган эдим, телефон жиринглаб қолди. Дазмол билан телефон гўшагини алмаштириб юборибман.
— Хўп, иккинчи қулоқ-чи? Унга нима бўлди?
— Ахир, "Тез ёрдам"ни чақириш керакмиди?

***

Шифокор қўли қалтираб турган бемордан сўради:
— Сиз кўп ичасизми?
— Йўқ, кўпроғи тўкилиб кетади.

## Табриклаймиз!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг Андижон вилоятидаги вакиллиги ва "Андижон Телеком" филиали жамоалари Ҳудудий бошқарма бошлиғи ҳамда "Андижон Телеком" филиали директори Мажид ҚОДИРОВни таваллуд топган куни билан чин қалбдан муборакбод этади. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тинчлик-хотиржамлик, ишларида ривож тилайди.



МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — ❶.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
**E-mail:** *orif@infonet.uz.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

259-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Адади: 9948 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.
Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.